

ҚИШЛОҚ ХАЖАЛКАТИ

1990 йил 4 сентябрь
СЕШАНБА
№ 201 (4.994)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

Оқ олтин мавсуми хабарлари

ХОРАЗМ: ТЕРИМ БОШЛАНДИ

Урганч районидagi Калинин номи, Ленин номи, «Пахтакор» колхозларининг меҳнатчилари пахта теримини бошлади. Пахта экинларига барча ҳужаликлар, тайёрлов пунктлари ва пахта заводлари теримга жуда завоқ тайёргарлик кўрдилар. Бир ярим мингта пахта терим машинаси, тракторга уланданган юк аравалари шай қилиб қўйилди.

Қишлоқ йўллари, кўприклар ремонтдан чиқарилди. Теримчилар учун етарли даражада этак сотиб олинди. Бу йил терим сифатига катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда теримчилар ва экинчиларнинг маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Бу йил хоразмлик пахтакорлар давлат камиди 320 минг тонна хом ашё сотишни режалаштиришмоқдалар. Бу ўтган йилга нисбатан 40 минг тонна кам демасдир. Деҳқонлар олий навли тола олиш билан қамайган ялпи ҳосил ўрнини қоплашга қарор қилдилар.



Сонбон Тоҳиров — жумҳуриятимиздаги минг-минглаб пахтакорларнинг бири. У Ховос районидagi «Октябрь 70 йиллик» давлат ўлкалик бригадасида бошчилик қилади. Меҳнат ахли бу йил 75 гектар майдонда нафақат режини, балки мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил ештириди.

— Ўтган даврда биз, деҳқонлар бир илми билан яшаб меҳнат қилдик. — дейди Сонбон ака. — Яъни пешона тери авазига етиштирилган пахтанинг давлат ҳарид нархи ошимини орашиб кутдик. Жумҳуриятимизда ҳукумат рақбарларига минг раҳмат! Улар дала меҳнатининг дардини тушуниб, маҳкамда саранжомланган ҳар тонна пахтага 10 сўндан, қўлда терилган бир килограмми хом ашёга эса 25 тийиндан ҳам тўлаш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу ҳол механизаторлару теримчиларнинг гайратига тайёр қўшмоқда.

Дарҳақиқат, қатор жамоаларда бўлгани каби мазкур ўлкалик ҳам суворийлар машина теримини эртароқ бошлаш тарафдари кўришяпти. Теримчилар бўлса саранжом теримга айланиб кетишганлар. Беллашувда Сонбон Тоҳиров бошлик бригада заршунослари пешоқанда. Чеварлар баҳсида эса эгачи-сингил Назокатхон ва Насибхон Тоҳировларга ҳеч ким бас кела олмаётди. Уларнинг ҳар бири кунга этаклардан 80—90 килограммдан пахта тўймоқда.

Кўпанингилограммчилар сафи кун сайин кенгаймоқда. Бу чеварларнинг савй-ҳаракатлари тўғрисида хироканга Барака киритилётир.

И. ҚОТАМОВ,
П. ЭРГАШЕВ олган суратлар.



СУРАТЛАРДА: эгачи-сингил Назокатхон ва Насибхон Тоҳировлар.

ДАСТЛАВКИ ТОЙЛАР

Сурхондарёда ҳаммадан ҳам янаги янги ҳосилни қабул қилишга киришган Москва тайёрлов пунктда дастлабки пахта тойлари тайёрлана бошлади. Бу ерга

Кумқўрғон районининг «Москва» колхозидан қўлда терим олинган дастлабки ўнлаб тонна хом ашё олиб келинди. Бу йилги мавсумда вило-

ятда 450 минг тонна пахтаини қабул қилиш режалаштирилган. Лекин ҳосилнинг чўғи ушбу рақам бундан анча кўп бўлишини кўрсатиб турибди. Худди шу нарса тайёрлов пунктларини мавсумга шай қилишга эътиборга олинди. Улар қўшимча равишда 40—50 минг тонна хом ашёни қабул қилиб олиш имкониятига эгадирлар.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Чинобда пахта заводи «Гудисон» тайёрлов пунктининг жамоаси янги ҳосилни қабул қилиб олишга аъло даражада тайёргарлик кўрганлиги таъкидланди. Мавжуд бино ва иншоотлар ўз вақтида таъмирланганлиги, қўшимча бостирмавлар ва пахта тойлари тўпланадиган майдончалар қурилганлиги натижада ҳосилни учдан бир баравар кўпроқ қабул қилиш имконияти пайдо бўлди. «Гудисон» тайёрлов пункти бу йил Ленин номи ва «Со-

циализм» колхозлари дала-ларида етиштирилган турт минг тоннага яқин пахта хом ашёсини қабул қила олади. Тарозилар ва лаборатория ускуналари, транспортлар ва бошқа механизмлар, ёнгина қарши ишлатиладиган анжонлар ва пахта ташиб келтириладиган йўللар аъло даражада тахт қилиб қўйилди.

Эрданчи ҳужалик дала-ларида тоқорлар, мезватор бог, ёнқоқор, сабзавот ва полиз учун ажратилган дала-лар бор. Бу ердан йнгиштири олинган маҳсулотлардан жамоа ўзининг тушлик овқатига фойдаланади.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Езёнов районидagi Зикрий Ганиев номи давлат ҳужалиги пахтакорлари Марказий Фарғонанинг янги ўзлаштирилган ерларида деҳқончилик қилиб ҳар йили мўл оқ олтин хиромни ўй-моқдалар. Айниқса, кейинги икки йилда гектарлар ҳосилдорлиги кескин ортиди: 14 центнердан 20 центнерга етди.

Чўлуқварлар бу йил 800 гектар ерда пахта етиштиришди. Давлатга 1600 тонна юкори нав хом ашё сотилди. Унинг асосий қисми — 1300 тоннасини пўлат этаклардан тўнкалади.

Маъмурият, партия ва касоба уюшмаси ташкилотлари механизаторлар ўргасида ташкил этиладиган ўзаро беллашувини ҳар йилгидек ўн кунда эмас, 5 кунда яқинлаш тадбирларини белгиладилар. Ҳужаликлар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилади.

Даладарда мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда. Ўза ҳатор оралиғига ишлов бериш давом этапти. Шу билан биргаликда пахта ҳосили йнги-теримига ҳам ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриляпти. Ҳужалик механизаторлари машина-механизмларини районда биринчи бўлиб тайёрлов чизинга

Пахтакорлар 5 сентябрдан бошлаб йнги-теримини бошлайдилар. Режа ва мажбуриятлар 40 иш кунинда бажарилади. Бунинг учун дала ишлари «бункер-тележка қабул пункти» асосида ташкил этилади. Шу мақсадда 18 та транспорт трактори, 26 та тележка, 3 та юклагич, 2 та қўйма устакхона сафарбар қилинади.

Утган йили Комилжон Қўшқов, Илс Утанов, Иброҳим Абдурахмонов, Эрмат Асқаров сингари тажрибали механизаторларнинг ҳар бири машиналар ёрдамида 110—120 тоннадан пахта терилган эди. Улар жорий йилда кўрсаткичини 130—140 тоннага етказишмоқчи.

А. МАДРАҲИМОВ.

ДАМ ОЛИШНИ ҲАМ УНУТМАДИЛАР

Ўзбекистон пахта заводи янги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёр. Завод жамоаси ўз кучи билан ускуналарини тайёрлади, хоналарини ремонтдан чиқарди. Ходимларга нафақат меҳнат қилиш, янги вақтда яхши

дам олиш учун ҳам қўлай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор берилди. За-водда душхоналар, сауна қурилди, дам олиш хоналаридан анжонлар янгиланди. Ҳосилни қабул қилиб олиш

мавсумида барча сменаларга исоқ овқат бепул берилди. Бунинг учун ерданчи ҳужалик маҳсулот етказиб кўриди. У ошхонани сут, қатиқ, гўшт ва сабзавот билан таъминлайди.

Жумҳуриятимиз пахтакорлари 90-йил ҳосилини тайёрлаш дастлабки тоналари кўриб олдилар. Пахтаини қайта ишловчилар мавсумга қандай тайёргарлик кўришиди? ЎзТАГ мухбири «Ўз-хлоскопром» жумҳурият бирлашмаси ишлаб чиқариш бўлимининг мудири Р. Нуриддинов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

Рамаздин Нуриддинович, агар маълумотларга қараб фикр юритадиган бўлсак, пахтаини қабул қилиб олишга ҳамма нарса тайёрлаб қўйилган. Лекин ўтмиш сабоқларидан шу нарса маълумки, пахта терими энг авжига чиққан пайтда баъзан қабул пунктлари ва пахта заводлари ишидаги камчиликлар сабабли терим ишлари сустлашиб қола бошлади.

Шуни ҳам айтишим керакки, бу лабораториялар ҳақиқатан ҳам «ақлли»: улар пахта ва толаннинг навини, унинг намлигини жуда аниқ белгилаб берадилар. Ленин автомат «ЮЛР» пахта ортилган арваннинг фақат бир еридангина намуна олади-лар. Бундай намуналарини аслида 3—4 ердан олиши

Бизга замонавий компьютер техникаси керак. Масалан, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси биз учун пахта навини белгилаб беради. 30 тасини тайёрлаб бериши керак эди. Ваъда қозғаб қилиб кетди. Пахтаини қўригидан ва тозалайдиган «ЛКМ» ва «СХЛ-3» аппаратурини энди эскириб қолди. Ҳали янги аппаратлар яратилмасданқ ишлаб чиқаришдан олиб ташланди.

— Рамаздин Нуриддинович, ҳозир пахтаини қабул қилиш услубида қандай янгиликлар қўлланилмоқда?

— Бу йил қабул қилишнинг янги усулини синовдан ўтказиш мўлжалланган. Шеробод райони ва бошқа бир қанча ерлардаги тайёрлов пунктлари район деҳқончилик-самоат кенгашилари иктиёрига берилди. Заводлар фақат хом ашёни қайта ишлаш билангина машғул бўлади. Ҳужалик эса ўз маҳсулотини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини олади.

— Бу йил қабул қилишнинг янги усулини синовдан ўтказиш мўлжалланган. Шеробод райони ва бошқа бир қанча ерлардаги тайёрлов пунктлари район деҳқончилик-самоат кенгашилари иктиёрига берилди. Заводлар фақат хом ашёни қайта ишлаш билангина машғул бўлади. Ҳужалик эса ўз маҳсулотини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини олади.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Қ Р Е М Л Д А

30—31 август кунлари СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида СССР Федерация кенгаши билан Президентлик кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтгани илгари хабар қилинган эди. Мажлисда иттифоқ республикаларнинг олий мансабдор шахслари, иттифоқ ҳукуматининг аъзолари, мухтор тузилмаларнинг, қасба уюшмаларининг, Фанлар академиясининг вакиллари, бир гуруҳ ишчилар қатнашдилар.

Мажлисда мамлакатдаги вазият тақдиди таҳлил қилинган назаридан кўриб чиқилди. Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бўлган масалалар, шунингдек ҳозир жаҳиятини ҳаяжонга солаётган, унинг иқтимоий ҳол-аҳволига ва халқнинг қайфиятига таъсир қилаётган долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Бир қанча масалалар юзасидан мувофиқ тақлифлар айтиди.

Оқоҳотирис, ўткир ва самарали мунозара бўлди. Вужудга келган аҳвол хусусида принципиал фикрлар айтиди, шу аҳволга хос бўлган ҳолатлар — иқтисодиётда ҳам, сиёсий турмушда ҳам жиддий иқтирос ҳодисалари сезилиб турганлиги қайд этилди. Кўпгина салбий ҳолатлар ўтиш даврининг объектив шартноларидан келиб чиқаётганлиги, аммо барча погоналардаги ҳокимиятнинг янгиликларини ва хатолари, иқтисодий соҳадаги уқувсизлиги ва сиёсий маданиятининг ривожланмаганлиги сабабли бу ҳолатлар янада мушкуллашганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қайта қуриш жараёнида амалга оширилаётган иш-ҳотлар чуқурлашиб бораётган бир шартда ҳуқуқий қонун қондалар янгиланаётганлиги ва шундай қилмай туриб янги иқтисодий шароитлар ҳам, сиёсий тузилмалар ҳам шакллана олмаслиги қайд этилди. Аммо бу иш нормал ҳуқуқий ва сиёсий шароитда олиб борилиши ва ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлаш қўмақлашини керак. Биз қайта қуришни тўла асос билан ичкилоб деб атаймиш, аммо бу — қонунийлик доирасида, тузилмаларни чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари орқали амалга оширилаётган тич ичкилобдир.

Мажлисда мамлакатдаги вазият тақдиди таҳлил қилинган назаридан кўриб чиқилди. Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бўлган масалалар, шунингдек ҳозир жаҳиятини ҳаяжонга солаётган, унинг иқтимоий ҳол-аҳволига ва халқнинг қайфиятига таъсир қилаётган долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Бир қанча масалалар юзасидан мувофиқ тақлифлар айтиди.

Иттифоққа кирувчи давлатларнинг мустақиллигини ҳам, шунингдек Умумиттифоқ бозорини вужудга келтириш таъминлаш янги характери иттифоқдош жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақиллигини узвий равишда ва ҳеч бир истиснога аке этириши, жумҳурият ва иттифоқ бошқаруви вазифаларини самарали равишда фарқлашга асосининг лозим. Жумҳуриятларнинг ўз ҳудудлари иқтисодий тараққиётини учун маъсулиятни муттасил ошно бораётганлиги таъкидланди.

Иттифоққа кирувчи давлатларнинг мустақиллигини ҳам, шунингдек Умумиттифоқ бозорини вужудга келтириш таъминлаш янги характери иттифоқдош жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақиллигини узвий равишда ва ҳеч бир истиснога аке этириши, жумҳурият ва иттифоқ бошқаруви вазифаларини самарали равишда фарқлашга асосининг лозим. Жумҳуриятларнинг ўз ҳудудлари иқтисодий тараққиётини учун маъсулиятни муттасил ошно бораётганлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан олимлар, мутахассислар, ама-летчи ходимлар тайёрлаган материаллар синчиқлаб муҳокама қилинди. Мажлис қатнашчилари эътирозли ҳолатларни қайлий бартафат этиш учун яқин вақтдаёқ бозор инфраструктурасини вужудга келтириш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг асосий субъектлари бўлиши корхоналари ва корхона эгаларини ҳужалик юри-тишининг янги қондаларига қўриши, меҳнатқашларнинг пухта иқтимоий ҳимоялан-шини таъминлаш зарур бўлади, деган фикрга қўшилди. Иқтисодиётини, модий янги аҳволини, истеъмол бозорини барқарорлаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ана шу туб қондаларни амалга ошириш пўннинг ҳарид қўвватини мустаҳкамлашга қаратилган баҳамжи-ҳат пул-кредит, валюта ва солиқ сиёсатини, умумиттифоқ бозорини ҳимоя қилиш тадбирларини, мудофаа, энергетика, транспорт соҳасидаги куч-гайратларни бирлаштириш, ташқи иқтисодий сиёсат ва экология хавфсизлиги стратегиясини ишлаб чиқишни орқда қолаётган районларни ривожлантиришга қўмақлашини, табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатиш соҳасидаги, жиниотларга ва ҳужалик соҳасидаги жиниотларга қарши кураш соҳасидаги фавақулда ҳолатларда биргаликда ҳаракат қилишнинг ҳамма жамаиятдаги янги иқтисодий шароитлар, ҳақиқий вазият тақозо этаётган бошқа кўпгина масалаларни ҳал қилишни талаб этаётганлигини мажлис қатнашчилари яқин айтаётган эди. Бозор усулларига ўтишни кезичи салга солишга йўл қўймаслик кераклиги таъкидланди. Вақт ганимат.

Кенгаш иштирокчилари дастур лойиҳасини бўлиб ўтган фикрлашувларни ҳисобга олиб бир ҳафта мудат ичда пишиқ-пухта ишлаб чиқиб, уни жумҳуриятларнинг Олий Советлари ва СССР Олий Совети муҳокама-масига тақдим этиш хусусида шартлашиб олдилар.

СССР Президенти, мажлис қатнашчилари иқтисодий вазиятни муҳокама қилиш чоғида унинг барқарорлашуви сиёсий вазиятни нормал ҳолга келтириш зарурлиги билан бевоисита боғлиқлигини таъкидладилар. Меҳнат ва иқро интизо-мининг издан чиққанлиги, транспорт йўллари тўси қўйиш соҳасидаги гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар, савдо-сотик ишнинг — гонт паст даражаси, жиниотчи-ликнинг авж олиши ва ҳаддан ташқари бузғунчилик ҳодисалари соғлом демократиялашув жараёнидаги пўтур етказишига йўл қўйиб бўлмайди.

Халққа иноқлик, ичкилоб қайта қуриш ишини биргаликда давом эттириш, қи-йинчиликларни бартафат этиш, ислохотларни янада чуқурлаштириш учун шарт-шароитни таъминлаш йўлидаги қатъият ва дадиллик ҳозир ҳар қаногидан ҳам зарур. Ҳозир мана шундай иқтисодий учун шарт-шароит вужудга келмоқда, ва шу шароитни тўла-тўқис рўйбета чиқариш мўмкин. Мамлакатни сифат жиҳатидан жўшичи ривожлантириш йўлига олиб чиқиш, жамаият, жамоалар ва инсон мана шундай тараққиётга эҳтиёж-манд бўлган амалдаги система вужудга келтириш учун бундан бошқа йўл йўқ.

М. С. ГОРБАЧЕВ Ж. БУШ БИЛАН УЧРАШАДИ

Хельсингиде учрашадилар.

(ТАСС)



Дўстлик районидagi Қосим Рақимов номли давлат хўжалигига қарашли «Соҳибкор» кооперативининг механизатори Бобокул Мамаев гўза парваришида ўзини кўрсатган эди. У пахта йиғим-теримида ҳам байроқдорлик қилиб, букжердан

150 тонна хом ашё тўкмоқчи. Моҳир суворий ўз агрегатини аλλαқачон шайлаб кўйган.

СУРАТДА: Бобокул Мамаев, Б. НОРКУЛОВ олган сурат.

Долзарб мавзуда мусоҳаба

ЙИЛТ ЭТГАН НУР ПАЙДО БЎЛАРМИКАН?

Қайта қуришни бошлангич даврида энергетика иншоотлари бунёд этишга ихтисослашган қурилиш бўлимининг сали бўлмаса бутунлай йўқ...

Қисқача айтганда шундай. Батафсилроқ гапирадиган бўлсак, биз беш йилликнинг тўрт йили планини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажардик...

Энергоқурувчилар ўртага қўйган барча тақлиф ва истакларини умумлаштириб, уларни Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг муҳокамасига қириндик...

Хў, ҳавотирлиниши учун асос бор. Яқинда ўзининг 60 йиллигини нишонлайдиган кўп миң кишилик байналмилал жамоанинг истиқбол анжумани бўлиб ўтди...

Ҳозирча эса ўзимизга шериқ қидиряптик, келаси йил шундайларнинг тузилиши. Жумҳуриятимиздаги ўн икки таъминотнинг тузилиши...


— Ақром Қурбоновчи, бизга маълум бўлишича, жумҳуриятимизда СССР Энергетика Министрлиги мутахассисларининг катта гуруҳи келган эди. Уларнинг бу ерга келишларидан мақсад нима, улар нима-лар билан шуғулланишди!

— Сизнинг трестингизда ҳам шундай аҳвол юзага келди... — Афсуски, шундай. Қарлар кетиб қолаётганининг жуда каттиқ сезилмади. Улар айриқиси иссиқлик ускуналарини ўрнатувчилар, электрчилар орасида кўп...

— Ҳақиқатан ҳам Янги Ангрэн ГРЭСининг еттинчи ва саккинчи блоклари хусусида тўла аниқлик йўқ. Лоихачилар ва бюрутмачи— экологик жиҳатдан тоза лоихалар тайёрлаш керак...

— Шундан ташқари, бизнинг муаммоларимизнинг кўпчилиги шундан иборатки, бизнинг муаммоларимизнинг кўпчилиги шундан иборатки, бизнинг муаммоларимизнинг кўпчилиги шундан иборатки...

— Ҳозирги иқтисодий вазиятни қондириш, деб бўлмайди. Кимдир бозорни умид қилган, кимдир ундан чўчиётган. Бозор муносабатларига ўтганда «Ўзбекгадрознергострой» трестининг аҳволи қандай бўларди?



Уйчи районидagi «Уйчи» жамоа хўжалигида консерва цехи нига туширилганлиги ҳар томонлама фойдали бўлди. Бу ерда колхозларда ҳамда хонадонларда етиштирилган сабзавот, мева қайта ишланиб, кунига 3 миң шартли банка маҳсулот тайёрланапти. Бу ноз-неъматларни кўпайтириш билан бирга исрофгарчиликнинг олдини олишга янқом бермоқда. Шунингдек, қишлоқда одамларни иш билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этапти. Меҳнат жамоаси йил охиригача 80 миң шартли банка маҳсулот тайёрлашни режалаштирган.



СУРАТДА: цех бошлигининг ўринбосари Сотиболди Мирзаалиев, бригада етакчиси Саломатхон Турсунова ва ўз касбининг устаси Зайнабхон Одилова маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Фармонни бажариш фарзи. — бир жиҳатта тўхталсам, Фармон режадаги озуқа экинлари экиб бўлинганда кейин чиқди. Айни кунларда майдонни бирдан кенгайтиришни имконияти йўқ...

Янгилик куртаги

Мутахассислар аҳоли қорғасига фармонда назарда тутилган ем-хашак метр-тонна ҳам ҳисоблаб чиқилди. 3096 тонна дағал хашак, 1855 тонна ширалли озуқа...

Хонандонида чорва ҳайвони парвариши қилаётган деҳқон ўз эҳтиёжи юзасидан қишлоқ Советига мурожаат этади. У ердан ем-хашак учун патта олади...

Дарҳақиқат. Президент фармони мавсумнинг қоқ ўртасида эълон қилинди. Бу пайтда хўжаликлар ўз эҳтиёжларини ҳисобга олиб...

«Қишлоқ ҳақиқати» муҳбири. А. ҚОРАБОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси

1 сентябрь куни Кремлда А. И. Лукьянов раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. СССР Олий Советининг 10 сентябрда оқилданган тўртинчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамаси қилинди...

Мажлисида СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Л. И. Абалкиннинг бошқариладиган бозор иқтисодига ўтиш юзасидан Олий Совет сессиясида муҳокамаси қилинадиган қонун ҳужжатларини тайёрлаш қандай бораётганини тўғрисида маълумот берди.

интилаётганликларини назор қилдилар, деб таъкидланди. Матбуотда эълон қилинган қонун лоийҳаси муносабати билан СССР ҳақ депутатини қаҳриб олиш тартиби тўғрисидаги қонун лоийҳаси юзасидан билдирилган мулоҳазалар ва тақлифларни умумлаштириш натижалари ҳақида СССР Олий Советининг ҳақ депутатлари Советларнинг иши, бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариши ривожлантириш масалалари комитети раиси Н. Д. Пивоваров ахборот берди.



АҚШ компанияларининг СССР билан муносабати

НЬО—ПОРК (ТАСС мухбири Владимир МОСТОВЕЦ). АҚШнинг савдо-саноат доиралари Совет Иттифоқи билан савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантириш истиқболлари умидворлик билан баҳо бермоқдалар...

«Далфелт интернэшл» компаниясининг фирмага кўра, савдо-жавоб чоғида билдирилган фирмалар Америка бизнесининг совет бозорига кўриштиришда асосий қисмни ўйнаётганда. Савдо-жавобда катнашган истисноаси барча компаниялар яқин беш йил мобайнида СССРда амалий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ўрнатини ниятида эканликларини маълум қилганликларини уни ҳамма нарсадан кўра яққол намоён эди.

Фирми сўралган корпорацияларнинг асосий кўпчилиги — 82 фоизи Совет сўми келгуси беш йиллик давомда конверсияланадиган валютота айланади, деб ҳисобламоқда.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КИТО. (ТАСС мухбири Михаил МАКЕЕВ). СССРдаги қайта қуриш ва Шарқий Европа мамлакатларида сиёсий турмушининг демократиялашуви, қуролсизлик соҳасида Совет Иттифоқи ва АҚШ амалга ошираётган аниқ тадбирлар Ер юзидатиқчиллик мустаҳкамлаб, кўпгина давлатларга ҳарбий харажатларини қисқартириш ва бўшаб қолган маблағларини тараққиёт мақсадларига сарфлаш имконини берди.

Экватор президенти Родриго Борха Лотин Америкасида чиқадиган «Виссон» журналининг мухбири билан сўхбатда шу ҳақда гапирди. / Социал-демократ бўлган Р. Борха қайта қуришни эътиқодли тарафдори эканлигини айтиди, чунки у «озодликсиз революция бўлиши мумкин эмас», деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга Р. Борха ГАРБ давлатларининг Шарқий Европа билан иқтисодий ва молиявий алоқалар мустаҳкамлашни ривожланишига мамлакатларнинг Лотин Америкасида берадиган ердами қисқартрилишига олиб келиши мумкин, деб ҳавотирлик билдириди.

ДЎСТЛИККА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ

ДЕХЛИ. (ТАСС мухбири Михаил КАПУСТИН). Ҳиндистон билан Совет Иттифоқини Осиёда ва бутун Ер кўрғасида тинчлик ҳамда барқарорликнинг муҳим омил бўлган дўстлик ва ҳамкорликнинг бузилмас ришталари боғлаб турибди. Деҳлида босмадан чиққан «Ҳинд Совет муносабатлари» алоқалар мустаҳкамламоқда» китобида ана шу фикр таъкидланади. Китоб муаллифлари — қўшмалик ҳаракатини ўргатувчи Ҳиндистон институтининг президенти, республика парламенти аъзоси К. Рамамурти билан ана шу институтининг илмий ходими С. Н. Талвардир.

деги теран аъналарга эга бўлган қалин алоқалар кўп йиллар мобайнида мустаҳкамлаб борди, дейилади китобда. — Бу инқила ҳукумат ўртасидagi дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига бўлиб қолмай, шу билан бирга яқин буюк халқ ўртасидagi дўстона алоқалар рамайдир». Китобда тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1971 йилда имзоланган Совет—Ҳиндистон шартномасининг муҳимлиги таъкидланади. Ана шу шартнома сўбат, савдо-сотиқ, иқтисодий, фан ва техника, маориф ва маданият соҳасида инқила мамлакат ўртасидagi самарали ҳамжи-

ҳатликка янги омил бағишлади. Рамамурти ва Талвар Ҳиндистонни индустриаллаштириш, иқтисодийнинг давлат секторини вужудга келтириш ва қарор топтириш нишга Совет Иттифоқи қўшаётган ҳиссининг муҳимлигини таъкидлаб, ҳозирги босқичда инқила мамлакат ўртасидagi ҳамкорлик замон таърифида мусул келадиган, жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларни асос этириданган янги шакллар ва йўналишлар касб этаётганлигини уқтирдилар.



РОБИЯ БАЛХИЙ

Мовароуннахр ва Хуросон халқларининг бой ҳамда ранг-баранг адабий-маданий, ижтимоий-фалсафий ҳазинасидаги қимматбахона дурдоналардан бири истеъдодли шoirи Робия Балхий меросидир. У Х асрнинг биринчи ярмида устод Абу Абдулло Рудакийга замондош бўлган. Бу даврда гўзал Найхуннинг иккала қирғоғида юртларда Абу Шукр Балхий, Шайх Балхий, Абул Хусайн Мурод Бухорий, Абу Мансур Аҳмад Дақиқий, Абул Хасан Исоқ Марвезий, Абул Хасан Термизий каби кўза кўринган унлаб шoirлар яшаганлар. Уларнинг деярли ҳаммаси ўз даврлари таъносига кўра эъзобсизан шoirлар бўлиб, фортожи ва араб тилларида ижод этганлар.

Ишқ ва муҳаббатнинг оташин куйисин Робия Балхий ҳаёти ва ижоди тўғрисида аниқ тарихий маълумотлар сақланмаган. Бу шoirа ҳақида Аттот, Жомий, Авфий, Рази Кулязод, Давлатшоҳ Самарқандий каби олимлар таъкирлариди. Б. Э. Бертельс, В. Г. Гафуров, А. Мирзоев, А. Мухторов, Токи Усмон, Саид Нафисий, А. Бенаво, Ф. Х. Навобий каби совет, эрон ва афгон олимларининг баъзи бир асарларидагина қисқа-қисқа маълумотлар мавжуд.

Маъшур совет шарқшуноси Б. Э. Бертельс ҳаққоний равишда ёганидек, Робия Балхий тўғрисида барча совет ва чет эл мутахассислари учун (хатто ўтмишдаги айрим таъкирланган учун ҳам) асосий манба бўлган асар Шарқнинг XIII асрдаги улкан шoirларидан бири Мавлоно Фаридулло Аттот томонидан ёзиб қолдирилган «Илоийнома» дostonидир. Шайх Аттот беш юз байта яқин маъкур ақоибий мануасида Робия Балхийнинг қайғули ва фоживий ҳаёти, оташин ишқи ва иборатому турмуш тарзи ҳақида қизқарли маълумотлар келтирган. Дostonнинг қисқача мазмунини кўйидагича:

Валдха Казб деган подшоҳ яшаган. Унинг ота-боболари ҳам шу ўлада подшоҳлик қилиб ўтганлар. Казбнинг авлод-баждоҳлари Абу Муслим замонасида араблар дийридан Балхга келиб ўрнашган, унинг подшоҳлик ҳудуди Амударёдан бошланиб Балх, Қобул, Қандаҳор, Систон, Қандор, Буст, Валуҷистон каби вилоятларини ўз ичига олган. Шохнинг бир ўғли ва бир қизи бўлиб, номлари Хорис ва Робия эди. Робия гонгдано, ақли ва зебо бўлган сабабли уни «Зайн-ул-Араб» (араблар зинайти) деб ҳам аташган. Тугма истеъдодли эга Робия шoir ёзиш, мусиқа чалиш, чавандозлик, ов қилиш, қўшиқ айтиш каби ноиб ҳунарларни эгаллаган.

Кесайиб қолган Казб бир кунги валиаҳд Хорисни чақирди, барча давлат ишларини унга васият қилиб қўйди. Яна алоҳида тайинлаб айтдики: «Ўғлим, сенга севишли қизим, кўзимнинг оқу юраси, ёшиқдан онамиз ўсган гўзал сингинг Робияни ҳам салтанатимиз ҳазинасидаги беназир бир дурдона сифатида қолдирилайми. Кўп ерлардан совчилар чиқди, лекин у ҳеч кимни ёқтирмади. Афсуслик, тириклигимда бирор муносиб кўв тупиб, тўй қилиб бера олмадим. Энди бу мушук ишни сен бажарасан. Сингингнинг умрбод кўз қорачиғини авайлаб-асра, муносиб кўв чинса, катта тўю тоғаша қил, уни бахтиёр айлагайсан».

Казб вафотидан сўнг Балх тахтига Хорис ўтиради. Ойлар ва йиллар ўтади. Хорис кунларини бирини катта зиёфат уюштириди. Зиёфат чоғида салтанатнинг баҳодир ўғлини, подшоҳ Хориснинг содиқ қўли бўлиши гўзал, паҳлавон йигит Бектош барча юмушларга бош-қўш бўлиб тургани, гоҳ чолу қалиб, гоҳ қўшиқ айтиб, бетиним хизмат қилиб юргани асосида Робияни кўриб, унга ошиғи бекдор бўлиб қолади. Лекин Робия кўл йигит Бектош билан учраша олмади. Ишқ оловида кўйиб-ёниб юрган Робия Бектошга бўлган оташин муҳаббати туйғули бадалас бўлиб қолади. Бир неча ою-кунларини шу алфозда бедор ўтказди. Табиқлар унга даво топпайди. Робия дилдагини ҳеч кимга изҳор этолмади. У гош оғир изтиробларини баён этиб, тинмай ақоибий шoirлар ёза бошлади. Ахир, бир кун юрагини дардини эанасига баён этади ва у орқали шoirларини, ишқомаларини Бектошга юбора бошлади.

Бектош эса Робиянинг барча мактубларини ва манзу-маларини ўқиб, уларни махсус сандиқда сақлаб борди. Бир кун чет эллик душманлар Балхга ҳамла қилганида, Хорис мамлакат ҳимоясига лашкар тортиб, жангга отланди. Бектош ҳам Балх учун бўлган жангларда мардона қатънаш ном чиқаради. Бухородан лашкар келиб Хорисга ёрдам беради. Шиддатли жанглар асосида душманлар томонидан ярадор қилиниб, асирга олинган деб турганда юзига ниқоб кийган номаълум баҳодир отлик сарбоз ҳайратомуз қаҳрамонлик кўрсатиб, Бектошнинг асоратдан қутқариб қолади ва тезлик билан ўзини сездирмай от чопдириб кўздан гоийб бўлади.

Хатто Хорис ҳам махсус одамларини юбориб, номаълум ниёбдор паҳлавон сарбознинг кимлигини била олмади. Кунларнинг бирини шoir ўқийди, бир чеккада яшириниб турган пардали аёл Рудакий шoirларига ақоибий шoirнинг жавоб қайтаради. Устод ақоибий шoir айтган шoirа қиз Робия эканлигини англаб, унинг ишқий можаросига ёрдам

бериш ва шoirани Бектош билан қовуштириб, уларни бахтиёр қилиш йўлларини ахтара бошлади.

Рудакий Бухорога қайтиб келади. Шох саройида уюштирилган бир баъз пайтда ўз шoirларини билан бир қаторда Робиянинг ишқий шoirларини ҳам еддан ўқиб беради. Бу шoir барчага маъқул бўлади, ҳамма маъкур шoirнинг «аҳсан-аҳсан!» айтишиб, юксак қадрлаб, унинг муаллифини Рудакийдан сўрашади. Шу пайт Рудакий яқинда Балхга борганини, тасодифан богда шoirа Робияни учратгани, унинг гўзал, баҳодир ва тадбиркор қўли Бектошга бўлган пок ва самимий муҳаббати, бу қизнинг истеъдодли шoirа эканлиги ва унга ёрдам бериб, қўл Бектош билан қовуштириб, иккала ошиқ-маъшукани бахтиёр қилиш тарадудини кўриш йўлларини Бухоро подшоҳидан илтимос қилади.

Бахтга қарши маъкур мажлисида Хорис ҳам иштирок этади. У Балх ҳимоясида Бухоро лашкарлари кўрсатган кўмак учун Бухоро амрига ташаккур айтмоқ учун келган эди. Бироқ, Рудакий бундан бехабар эди. Хорис бундай «шармандали» воқеадан хабардор бўлади-да, аламга чидай олмади, яширин равишда мажлисини тарк этади ва тезлик билан Балхга равона бўлади. Дарғазаб ва марғур Хорис олийзоат синглисининг қўл Бектошга ошиқ бўлгани, яна бундай шармандалиқ шум хабар Рудакий орқали Бухорога етиб борганига сира ҳам чидай олмас эди. У тезлик билан ўзининг содиқ қўли Бектошни зиндонга ташлаттиради.

Махсус айғоқчисини юбориб Бектош сандиғидаги Робия мактублари ва ишқий манзу-маларидан ҳам воқиф бўлади. Устига устан ўз мулозимларига фармон бериб, тезлик билан шаҳар чекасида ҳаммом қўриради. Ҳаммомнинг обдон қиздириб, ичига Робияни қаматади, унинг қон томирини кесдиради, ҳаммомнинг оғзини ишқий гўштак билан маҳкам бекиттиради. Бечора Робия қанбоқ ҳаммом ичиди минг бир азобу уқубат билан қонларини бир қосага йиғиб, ҳаммомнинг деворларига эганин охиригиз орзу армонлари ифодалangan оташин шoirларини биттади. Қонларини ҳам оқиб тугайди, бу фойий дунё билан ҳам шу алфозда ўта оғир, таъри-нисоний азоб-уқубатлар чекиб ифдолашади.

Бундай фоживий хабар бутун Балх бўйлаб яшини телишда тарқалади. Ўз дўстларини ёрдами билан Бектош зиндондан қичиб, тоғ пайтида Хорис саройига бостириб киради, унинг калласини танаисидан жудо қилади. Балхдаги барча қўллар, маълум бечоралар исён кўтариб, Хориснинг эълим-истебодига барҳам берадилар.

Ошиқ Бектош эса маъшукани Робия куйдириб ўлдирилган ҳаммом дарвозасига келиб, кўксига ҳанжар уради ва ўз севиғилини қон берган бино дарвозаси олдига ҳаёт билан ифдолашади. Балх аҳолиси ошиқ-маъшук, оташин ишқ соҳиблари бўлиши Бектош ва Робияни ювиб-тараб ўша ҳаммом дарвозаси ёнига зўр эҳтиром ила дағи этади. Қадимги Балхда юз берган навабдотга қонли, фоживий ва аламли ишқий можаро шу алфозда поёнига етади.

Шайх Фаридулло Аттот, Шайх Абу Саид Абул Хайр, Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий каби ҳазратлар — ўз замоналарининг атоқли мутасаввуф доғимандлари Робиянинг Бектошга бўлган пок ва мусаффо севиғисини мажозий ишқ, ҳудого бўлган ҳақиқий ишқининг баҳонаси, яъни кўриниши, деб баҳолайдилар. Робиянинг ўзини эса Х асрда Балхда яшаб, ижод этган атоқли оғирфа, улкан ҳақиқий ишқ эгаси, муҳаббат соҳибаси сифатида юксак эҳтиром ила тила оладилар. Масалан, ҳазрати Жомий ўзининг «Нафахотул-унс» асариди Робия Балхий тўғрисида шундай маълумот беради ва Робиянинг ишқ-муҳаббатини юксак эъзозлаган бир кичик фарзияни ҳам келтир-ради:

«Қазбнинг қизи Робия бир гулом (қўлини) беҳад сеवार эди. Лекин барча пирлар (машойихлар) бир оғзадан шу фикрини таъкидлайдиларки, бу қиз оғзадан айтилган сўзлар оддий одамлар (маълумларга) нисбатан айтилган сўзлар эмас. Бир кунги ўша гулом (қўли) Робияни ногаҳон учратиб қолади ва еттидан ушлаб, унга ишқ изҳор — этади. Қиз гуломга муражаат қилиб дейдики, «Ов, менинг Худо билан ваҳдат этганим ва Худога мубтало эканлигим бас эмасми? Сенига ошиқлигим Худога бўлган ишқинимнинг бир намуни (қўриниши) эканлигини едиданга чиқарма!».

Демак, ҳазрати Жомийнинг юқориди сўзларидан ҳам била бўладики, Робия Балхий Х асрда яшаб, ижод этган улкан оғирфа, шoirларид. Унинг Бектошга бўлган қудратли, ҳасос, оташин ишқи Худога бўлган ҳақиқий ишқининг бир кўринишидир. Демак, шoirа Робия тасавуридаги Бектош, шoirнинг ишқига тўла қалбини, унинг пурқудрат муҳаббатини эгаллаган Бектош Худо даражасига етган, Олло қийматига эга қилинган, илоҳийлашган ошиқ Бектош — маҳобатли ва салобатли олижаноб Инсон тимсолидир.

Ориф УСМОНОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Бериуни номдаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоиди.

Робия БАЛХИЙ

Унинг охи-зорлари
Хаста қалбим тилади.
Қўшчанинг фарёидан
Гулдор бўлиши зминистон.
Мен сўрадим шўрликдан:
— Мунча бағрингдир фиғон?
Қора тунда юлдузлар
Чарақлаб турар ноғох,
Сен эса парво қилмай
Ҳамон чекадурсан оҳ?
Қўшча дейди: «Севгимдан
Жуду бўлдим ногаҳон.
Шуниг учун аорлайман,
Шуниг учун бағрим қон.
Сен кимга Инглайсан
Биргасан ёринг билан?»
Мен дедимки: «Кўзимдан
Қон оқади ёш эмас.
Сен қандайин Инглайсан,
Шунга қиламан ҳавас.

Форсадан,
Н. ОРИФЖОНОВ таржималари.

ИШҚ ҚУДРАТИ

Муҳаббатим жилволаб,
банд этмоқ учун
Мен қанчалар урғиним,
нондоқ қолдим.
У шундайин денгизаки,
қудрати, кучи—
Худуд билмас, на сузди,
на кеча олдим.
Ишқ савдосини мағзини
билмоқ-чун тугал,
Беҳад бисёр тамларни
енгмоғинг керак.
Хукук, тавнийи ҳам
атаб гоҳ гўзал,
Заҳарин ҳам асалдек
ютади юрак.
Ишқ—асос от, нақадар
қайсар, тавоибир,
Жангоҳ сарн чинқандай
бўйин эгмайди.

ҲИЖРОН

Узинг каби бир сандил
ва номехрибон —
Кимсага ошиқ этсин
сени ҳам Яздон!
Шунда шоёд англрднинг
ишқинг қадрини,
Шундагина биярднинг
илетини ҳижрони!

НОЛАКОР ҚУШ

Тонг чоғида бир қўшча
Гулга нола қилади.

Жилвоини қанчалар
юртлар, барибир
Ўт чақнаган тўёқлар
ерга тегмайди.

ЧОРВАЧИЛИК ЛУҒАТИ

Бу рисолада чорвачилик атамаларини тўлиқроқ ҳолда тақдим этишга илк марта уриниб қўрилган. Маъкур соҳа атамаларининг дастлабки икки тилдаги луғати чорвачилик масалалари юзасидан дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, махсус курс-

лар яратилганда қўл келиши мумкин.
Луғат қишлоқ хўжалик олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг ўқитувчилари, маъкур мутахассислик бўйича таълим олаётган талабалар, шу соҳа билан боғлиқ ходимлар — зооинженерлар, қоракўлшунзо зоомухандислар, чорвачилик хом, ашёсидан тайёрланган маҳсулотлар товаршунослари, ветеринария врачлари учун мулкжалланган. У дарсликлар, ўқув қўлланмалари тугувчиларга ҳам катта ёрдам бериши мумкин.

Ойнаи жаҳонда

- 5 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА
- УэТВ I
 - 11.30 «Синюшанинг кудуги». Болалар учун фильм.
 - 12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Бетайини кишилар». Бадрий фильм.
 - 13.30 УэТВ жаҳондан. П. Қодиров. «Олмос қамар». Видеофильм. 2-қисм.
 - 17.30 Кўрсатувлар тарғиб.
 - 17.45 Янгиликлар.
 - 17.40 «Айити фаршита». Жнззах вилоти кўғирмоқ театрининг спектакли.
 - 18.25 «Фанга бағишланган умр». Академик О. С. Содиков, В. И. Ленин номдаги Тошкент Дав-
 - лат дорифунунининг 70 йиллиги олдидан.
 - 19.00 «Дала неъматлари — эл дастурхони».
 - 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
 - 19.50 «Тетива». Манзарили фильм.
 - 20.00 Жумҳурият кесаба уюшмаларининг XIV съезди олдидан.
 - 20.30 Москва. «Время».
 - 21.00 «Драга». Телефильм.
 - 21.10 Вилот мусиқа театрлари-нинг яқалонлари ижросида концерт.
 - 22.00 «Ахборот».
 - 22.20 «Хотирва». Езувчи Уктам Усмоновнинг хотирасига бағишланган кўрсатув.
 - УэТВ II
 - 18.05 «Дарёлар кеерда йўқолади». Телефильм.
 - 18.25 «Қишлоқ изкувари». Бадрий фильм (М. Горький номили кино-студия).
 - 19.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Миришорлар». Тошкент вилоти Оқўрғон ноҳисси пах-текорларининг ишлари ҳақида. ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ.
 - 20.30 Москва. «Время».
 - 21.00 «Сунане аз ҳар чаман».
 - 22.00 «Ахбор».
 - 22.20 «Хэйти дехот». Тележурнал.
 - 23.10 «Оддий мўжизалар». Телефильм.
 - МТ I
 - 6.00 «120 минут».
 - 8.05 Мультифильмлар: «Сехий эртак», «Дадабои ва будилик».
 - 8.30 Бутунроссия конкурсининг
 - лауреати С. Лукни челади (дом-ре).
 - 8.45 «Объектив».
 - 9.20 «Мўжизасиз мўжизалар».
 - 10.20 «Эфирда мусиқа». Сайлан-малар.
 - 10.50 «Сўз». Адабий-бадий про-граммага илова. «Русофиллар кимлар?».
 - 1.30 Телевизион хужжатли фильм-лар: «Тогларимиз ҳақида афсо-на ва қисса», «Лакрица».
 - 12.00 «Время».
 - 12.40 Ф. Легар. «Граф Люксем-бург». Москва Давлат оперетта театрининг спектакли.
 - 15.40 «Овоз йўлидаги икки порт-рет: Изабелла Юрьева ва Вади-дим Козин».
 - 16.45 Болалар сооти (инглиз тили дарси билан).
 - 17.45 «Ажойиб кун». Мультифильм.
 - 18.00 «Время».
 - 18.30 Рус кўшиқларини Л. Иванов ва ижро этади.
 - 18.40 Австралия телевидениеси-нинг беш оқшони. «Тўртинчи истак». Телевизион бадий фильм премьераси.
 - 20.30 «Время».
 - 21.00 Коллаж.
 - 21.05 Австралия телевидениеси-нинг беш оқшони. «Адолат тўш-тарозиси». Уч сериали теле-визион бадий фильм пре-мьераси. 2-серия — «Гирром ўйин».
 - 22.25 «Л. Троцкий». Тарғичи Д. Волкогонов ҳикоя қилади.
 - 23.05 «ТСН».
 - МТ II
 - 8.00 Эрталабни бадан тарбия машқлари.
 - 8.15 «Мен урушин қаптақлайман» (рассом В. В. Верещетин). Ил-мий-оммабоп фильм.
 - 8.35, 9.35 Информатика ва ҳисоб-
 - лаш техникаси асослари. Мак-таб компьютери.
 - 9.05 Немис тили. 1-йил шугулла-набтанлар учун.
 - 10.05 Немис тили. 2-йил шугулла-набтанлар учун.
 - 10.35, 11.35 Умумий биология. 10-синф. Ч. Дарвин. Ҳаёти ва ил-лий асарлари.
 - 11.05 «Анри де Сен-Симон». Ил-мий-оммабоп фильм.
 - 12.05 «Гидон Кремер Ригада ва концертдан кейинги интервью».
 - 13.05 «Метэоб». Телефильм.
 - 13.35 Такрорий телефильмлар се-анси. «Тўшети» чўпчилари. 1-серия (Грузин).
 - 16.30 «Даврини танламайдилар». Т. ва С. Никитинлар иштироки-да фильм-концерт (Ленинград).
 - 17.00 Коллаж.
 - 17.05 «Шоҳона зиёфат ораси-да...». Телефильм премьераси.



Дикқат: ташаббус!

АҲОЛИГА АГРОКИМЁВИЙ ХИЗМАТ

Бухорода яқинда очилган бу магазин тезда эл оғизига тушди. Чунки у шаҳар ва қишлоқ аҳолиси шахсий тў-мирлариди қишлоқ хў-жалик экинларига агроки-мёвий хизмат кўрсата бо-лади. Магазин вилот «Уз-сельхозхимия» бирлашмаси ташаббус билан ташкил этилиб, «Агрохимик» номи берилди.

Сотилаётган маҳсулотлар ранг-баранг: минерал ва ма-ҳаллий ўғитлар, зараркунан-да, касаллик ва бегона ўт-ларга қарши курашда ишла-тиладиган дорилар, экинлар ҳосилдорлигини оширувчи биологик актив моддалар,

чивин, пашша ва суварак-ларга қирон келтириладиган препаратлар, ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланла-диган аппаратлар бор. Бун-дан ташқари магазинда қи-шлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш юзасидан маслаҳатлар берилапти, шахсий томирлардаги экин-ларни назорат қилиш, улар-ни ларвариялаш зарарку-нандаларга қарши тугун қўллаш ва бошқа усуллар юзасидан ишлар ҳам бака-рилламоқда. Вилот «Усель-хозхимия» бирлашмасининг лаборатория мудири Абду-раҳмон Хотамов, агроном-лардан Эдуард Гелилов, Сан-да Гуломов ва маҳалла экин-даги кўмаклашмоқдалар.

ри, амалий ишлари билан шахсий томирқиларга яқин-дан кўмаклашмоқдалар.

Қисқа вақт ичиди магази-дан 3,2 минг сўмлик биоло-гик дорилар, қўлда ишла-тиладиган аппаратлар, ми-нерал ўғит ва биологик актив моддалар сотилди. Халққа 120 тонна маҳаллий ўғит етказиб берилди. Экин зар-аркунандаларига қарши ку-рашда 1,230 сўмлик иш ба-жарилди.

СУРАТДА: агроном Санда Гуломова харидорларга мас-лаҳат бермоқда.

М. МИРЖАЛОЛОВ олган сурат.

ДАРМОН ҚАНИ?

Дунюдан олган майда-чуйадаларни кўтарган Гулно-ра эсиндан унга зўрага етиб келди. Эшиқдан кириши билан олди болаи соқилла-лаб чинди-да, қўлидаги ту-гунини титқилди бошлади.

— Яна тугунми? Емайман, мол туғини қачон олд кел-масиз? — деди бола захар-қандалик билан.

Ҳомилдор Гулнора Рў-зиматова фарзандига бирор гап айтишга ҳам мажбур бў-либ қаравотта секин чўзил-ди.

Гулнора — ёш она, иккин-чи боласига ҳомилдир. Ай-ни ўйнаб-қуладиган, еб тў-майидиган вақти. Лекин ша-роит бунга йўл бермайди. Эрталаб бир пайла чойни қаттиқ нон билан еб кет-ганча пешинда уйига зўра етиб келади.

Эри доғирон, қўлини ва-рақа ямлаган, давлат томони-дан унга 28 сўм нафаса бери-лади, ҳоло. Уларнинг икки гектар ери бор, дурдат-да ишлайди. Бундай ои-лаларга ёрдам бериш нияти-да партия ва ҳукумат ҳо-миладор аёлларга бепул ов-қат ташкил этиди. Бу яхши, албатта.

Ҳайр этсанг, бутун эт, де-ганлар. Бу иборани район аёллар маҳлаҳат бўлими му-дираси Зеваржон Холматова жудо кўп такрорлайди:

— Ҳар бир аёлга талон ёзамиз, унда 13 илқ махсу-лотнинг номи кўрсатилган. Лекин дўноқларда уларнинг тўртдан бири зўрага топила-ди.

Ҳақ гап. Хонқа районида турмуш даражаси нозор кўп болани оналарнинг фарзандларига ой сайин ўн сўмлик бепул ов-қат бериш тўғрисида мах-сус қарор қабул қилинган эди. Аммо у ҳам бажарилган эпти деб бўлмайдди. Қўзда тутилган махсулотлар ўз вақтида етказиб берилма-пти. Мана бир мисол. К. Маркс номили жамоа хўжа-лигига яшайдиган Сунажон Маткаримовнинг беш бо-ласи бор. Оиланинг бешинчи фарзандига ҳар ойда ўн сўм-лик бепул таом берилиши лозим. Лекин буну ўз вақ-тида ололмаётир.

Тўғри, шаҳардаги ҳомил-дор аёлларга хизмат қилув-чи дўноқлар иши бироз ях-ши йўлга қўйилди. Бу ерда аёллар учун товуқ гўшти, қолбаса, сарғе, тухум, асал бор. Лекин район матбуот жамаитига қарашли, ҳоми-ладор аёлларга хизмат қи-ладиган 13 дўноқа аҳвол ях-ши эмас. Уларда талонда кўрсатилган махсулотлар кў-пинча бўлмайдди. Ваъзилар-да сарғе, тухум, мева шарба-тигина бор, ҳоло.

Районда гўшт масаласи чатоқ. Ҳомилдор аёлларни биринчи навбатда бу махсу-лот билан таъминлаш керак.

— Ҳозир болам ўн саккиз ойлик бўлди. Шу вақт ичиди уч марта бепул овқат олдим. Еш болага муддати ўтиб қоти ган печене беришди. Уни кичик ёшдаги бола у ёқда турсин хатто ўзим ҳам ево-лмайман. Бундай махсулот кимга керак? — волиди она.

Сунажоннинг ўзи ҳам кар-сал, қамқувват, Сабаби тус-муш шароити яхши эмас. Эри шофёр бўлиб ишлайди. У ўтган ойда машинаси бузи-либ қолди, 44 сўм ойлик ол-ган. Она эса ишламайди. Шу пул билан етти жон қандай кун қуради? Хўжалиқда бундай оилалар кўп. Улар-нинг дардини тинглайдиган валломат йўқ.

— Мен нам даромадли ои-лада яшайман. Талон бери-ришмади, — дейди «Хо-разм» колхозининг атзоси Муяссар Раҳимова. — Бу-нинг сабаби — эрим икки, мининг маошимиз бизга етар эмас. Аслида эса у бил-дан топганимизни қайнонам, унинг фарзанди, оғсиним жами 17—18 киши баҳам қўрамай. Шундай экан, та-лон беришда фақат иккинчи-нинг маошимиз ҳисобга оли-ниши тўғри эмас.

Ҳомилдор аёлларга бепул овқат беришда «Хо-разм», Карл Маркс номили колхозларда чалқашдиқларга йўл қўйилапти. «Хоразм» хўжалигиди зарур махсулот-лар йўқлигидан уларнинг ўрнига бошқа нарсаларни бериш ҳоллари учрайди.

— Биз ҳомилдор аёллар-га талон ёзиш, уларни ҳи-سوب-китоб қилиш ишлари билан овора бўлаймиз, — дейди қўйиниб Б. Холматов-ва. — Асосий вазифамиз — тиббий ёрдам кўрсатиш. Ҳар ҳафтада 400 аёлга уч нусхадан талон ёзиш, улар-ни ҳисоб-китоб қилишнинг ўзи бўлмайди, ахир!

Дард кўп-у, дармон қани? О. ЭГАМОВА.

СПОРТ АНБОРАТИ

ФУТБОЛ

Мамлакат биринчилигининг олий лигасида навбатдаги уч-рашувлар бўлиб ўтди. Турт ўйинда дарвозаоларга 16 та тўп киритилди. Шулардан 14 таси майдон эгалари, иккитаси меҳмонлар ҳисоби баъди. Энг қизқарли матчлардан бири Киевда бў-либ ўтди. Маҳаллий динамо-чилар пойтахтнинг «Спар-так» командасини қабул қи-ладилар. Учрашувни ташаббус-корликда ўтказган меҳмонлар 3:1 ҳисобида ғалаба қозон-дилар. Бу ютукдан сўнг Кие-ев динамочилари ўйинлар жадалини юқори поғона-сига кўтардилар.

Москва армиячилари кў-тилмаганда янрик ҳисобда мағлубиятга учрадилар. МАСК Бреванда «Аратар» командасига 0:4 ҳисобида ютқазди. Яна бир йирик ҳи-سوب Днепропетровскда қайд этилди. Москванинг «Дина-мо» коллективини қабул қилган «Днепр» клуби меҳ-монлар дарвозасини беш ма-ротаба ирғок этди. Динамо-чилар бир